



## Халққа хизмат қилиш учун халқ ичида бўлинг

Сайёр қабул

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида кеча Пайариқ туманида ўтказган навбатдаги сайёр қабулида 556 нафар фуқаронинг муурожаати тингланди.

– Ҳар сайёр қабулда айтаман, бугун ҳам тақдириман, – деди вилоят ҳокими. – Ўзининг ҳам, турмуш ўртоғининг ҳам тўрт мучаси соғлом аёлга бепул уй берилмайди. Сайёр қабул ўтаётган залда мониторлар орқали видеоназоратчи намоёништирилган, кўринглар, кузатинглар. Ҳатто икки оёғи йўқ ногирон қиз меҳнат қилиб, пул топиб, кредит орқали уй олган ва ойма-ой тўлов қилиб бормоқда. Бокиманда бўлмасдан, ундан ўрнак олиш керак.



### Янги бинолар қуриш ҳақида муурожаат қилавермасдан, мавжудларига мазмун киритиш керак!

ҳожати йўқ. Стадион масаласида ҳам шу гап. Мактабдаги стадион аҳоли учун ҳам хизмат қилади. Янгисини қуриш эмас, балки мактабдаги мавжуд кутубхона ва стадионга мазмун киритиш керак.

### Бир муурожаат рад этилди. Нега?

Сайёр қабулда икки аёл бирин-кетин икки масалада муурожаат қилди. Биринчиси – тумандаги Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи Зуҳра Эшқувватова бир ярим йил аввал ўзи яшайдиган уйда оилавий мактабгача таълим ташкилотини очиб, 25 нафар болага таълим-тарбия бера бошлаган. Бир йилдан бери эса 100 ўринга мўлжалланган давлат хусусий шериклик асосида боғча ташкил этиш масаласида қийинчиликларга дуч келаётган экан. Вилоят ҳокими бу тadbиркор аёл муаммосини жойида ҳал этди. Унга барча зарур имкониятларни яратиб бериш бўйича мутасаддиларга қатъий топшириқ берди.

Иккинчиси – чамаси 40 ёшларда, тўрт мучаси соғлом аёл. У вилоят ҳокимидан бепул уй сўраб муурожаат қилди. Айтишича оилали, турмуш ўртоғи ҳам ногирон эмас.

### Хўжа Исмоил маҳалласидаги муаммо алоҳида кўриб чиқилади

Шу йилнинг 13 февраль кuni Zarnews.uz сайтида эълон қилинган "Хўжа Исмоил маҳалласи аҳлининг тинчлини бузган хатлардан қимнинг хабари борми?" номли мақоладаги муаммо сайёр қабулда ҳам кўтарилди.

– Ўтган ҳафта маҳалламизнинг Хўжа Исмоил гузарига яшовчи аҳолининг тинчи бузилди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фароғат Асқарова. – Гузарда 150 дан зиёд хонадон бўладиган бўлса, ҳар бирига хат келди. Бу хатлар туман ҳокими имзоси билан фуқаролик ишлари бўйича Пайариқ туманлараро суди раиси номига тумандаги "Ортиқов Абдулла" фермер ҳўжалиги ҳудудида бир гуруҳ фуқаролар томонидан қурилган уй-жойдан ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётгани ҳолати бўйича бир неча маротаба огоҳлантиришларга қарамасдан бузмаётгани ва бу уй-жойларни буздириб тўғрисида даъво ари-

засининг бир нусхасидир. Шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида ҳам маҳалла раиси, ҳам депутат сифатида вилоят ҳокимига муурожаат қилдим. Бу муаммо алоҳида кўриб чиқиладиган бўлди.

### Сайёр қабул саккиз соат давом этди

Агар қонун талаби бўйича қарайдиган бўлсак, бир иш кuni (8 соат) сайёр қабулга бағишланди. Албатта, муурожаатлар ўтган йилгидан (2019 йил 19 февраль кuni ўтказилган сайёр қабулда 600 дан ортиқ муурожаат тушган эди) бироз кам. Лекин бошқа туман, шаҳарлардаги қабуллардаги рақамлар билан қиёслаганда барибир кўп.

Бу мазкур ҳудудда ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар кўпчилигидан далолат бериши баробарида туман мутасаддилари, вилоятдаги тегишли идоралар раҳбарларининг кўпроқ халқ орасида бўлиши, аҳоли билан юзма-юз мулоқот

қилиши зарурлигини кўрсатади.

– Бугунги ҳар бир муурожаат, ҳар бир фуқаро ўртага ташлаган масала тегишли тартибда кўриб чиқилади ва ижроси қатъий назоратга олинади. – деди Э. Турдимов қабул сўнггида. – Лекин бу барча масала узил-кесил ҳал этилади, дегани эмас. Аслида сайёр қабулдан мақсад ҳам аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, жойлардаги реал вазиятдан хабардор бўлиш. Одамларни нима ташвишга сола-япти, энг долзарб муаммо нима – шуни аниқлаш ва уларга ечим топиш. Бу масалалар орасида қисқа вақтда ҳал этиладиганлари ҳам бор, вақт талаб қиладиган, тегишли дастурлар ишлаб чиқиладиган муаммолар ҳам мавжуд. Муҳими, бундай учрашувлардан сўнг ҳар бир раҳбар, мутасадди ўз фаолиятида қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиши кераклигини билиб олади, халққа хизмат қилиш халқ ичида бўлиши тақозо этишини аниқлайди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

## Муурожаатномада янграган сўзлар

ҳар бир ватандош қалбидан чуқур жой олди

Тонгда 95 ёшни қаршилаган ҳожи отамни зиёрат қилгани кирсам, ўйчан қиёфада газета мутулаа қилаётган экан. Отамнинг таъкидлашича, Ўзбекистон 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат сифатида жаҳон матбуотида "Йил мамлакати", деб эътироф этилибди...

Рост, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Муурожаатномасини тинглаган одам борки, бу ютуқ, муваффақият бардавом бўлишини аниқлайди. Негаки, Ватанимиз келажагига дахлдор бўлган ушбу Муурожаатномада жамият ҳаётининг ҳеч бир жаҳаси эътибордан четда қолмади. Жумладан, ёшларнинг келажагини ўйлаб, таълим-тарбиянинг асоси бўлган боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш белгиланди. 6 ёшли бола-

ларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий қилиш, шу билан бирга, 36 та янги мактаб қуриш, 211 та мактабни капитал таъмирлаш, 55 та хусусий мактаб ташкил қилиб, кейин уларнинг сонини 141 тага етказиш, айтар оғизга осон. Чунки кичик бир том солган одам борки, қурилишнинг машаққати, унинг молиявий қийинчиликларини яхши билади.

Бундан ташқари, ёшларнинг билимларни пухта эгаллаши йўлида жорий йилдан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизимига ўтилиши, яъни 340 та касб-ҳунар

Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил қилиниши, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 25 фоизга, кейинги йилларда 50-60 фоизга етказиш режасининг белгиланиши, қолаверса, олий ўқув юртлигига талабалар қабул қилишда қизлар учун алоҳида грантлар ажратилиши Ўзбекистон тарихидаги буюк иш.

Яна бир муҳим жиҳат, жорий йилдан бошлаб педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш мuddати 3 йил қилиб белгиланиши ҳам тизимда ишни янгилаш ташкил қилишга замин яратилаётгани таълим муас-

сасарида педагог кадрлар муаммо бўлган нуруободликлар учун улкан имконият бўлди. ...Отамнинг айтишича, Президентимизнинг "Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиغان, қийинчиликдан кўрқмайдиغان, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз", деган сўзлари ҳар бир ватандошимиз юрагининг тубидан жой олиши керак.

Эркин АБДУСАЛОМОВ,  
таълим, фан ва маданият  
ҳодимлари касабга уюшмаси  
Нуруобод тумани кенгаши раиси.

тартибга солишни таъминлаш учун, аввало, ушбу муносабатлардаги ҳуқуқий асослар ислох қилиниши лозим.

Қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш ёки улардаги моддаларни ўзгартириш жамият ҳаётига кириб келган ўзгаришлар, янгиликлар ва ютуқларнинг, янги муносабатларнинг акс-содоси ҳам бўлиши мумкин. Одатда, ривожланган давлатларнинг қонунчилигидаги ижобий жиҳатлар ўзлаштирилади ва миллий қонунчиликка мослаштирилиб киритилади. Агар қонунларга ўзгартиришлар кўп киритилган бўлса, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги тахрирда қабул қилинади.

Аммо юртимизда айрим қонун ҳужжатларига тинимсиз киритилаётган ўзгартиришлар ҳолатини ҳам тўлиқ ижобий деб бўлмайди. Қонуности ҳужжатларига аксар ҳолларда уларни қонунларга мувофиқлаштириш учун ўзгартириш киритилади. Лекин қонунлар-чи?

## Қачон "қаттиқ қонунли"

## ДАВЛАТ БЎЛАМИЗ?

Қонун-қоидалар моҳиятан табиат ва жамиятда тартибни сақлаб туриш учун яратилади. Инсоният ривожланиши билан барча соҳалар, жумладан, қонун-қоидалар сони ва хилма-хиллиги ҳам ўсиб, уларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш воситалари ҳам тобора такомиллашиб боради.

Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш – кўп босқичли ва мураккаб жараён. Қонун ҳужжати лойиҳаси тайёр қонун ҳолига келгунга қадар кўплаб "чиғиринлар"дан ўтказилади. Қонун доираси алоқадор

бўлган давлат ташкилотларининг расмий муносабати ўрганилиб, баҳо берилади, давлат ва жамиятнинг барча шарт-шароитлари ўрганиб чиқилади ва давлат идораларидан ҳуқуқий эспертизадан ўтказилади, сўнгра

имзоланиб тасдиқланади.

Бугун барча соҳаларда давомий олиб борилаётган исчилохотлар янги қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини, мавжуд қонунлардаги айрим нормаларнинг замон шарт-шароитларига мос равишда ўзгартирилишини талаб қилади. Бу – табиий ҳол. Бу ҳолат дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларига ҳам бирдек дахлдор. Чунки муайян соҳадаги муносабатларни янада ривожлантиришни ёки самаралироқ

Аттанг!

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Нарзиқул Холиқов феисбукдаги саҳифасида Самарқанд шаҳрида дарахтларга турли реклама воситалари ва эълон ўрнатилганига эътибор қаратиб, бу ишининг ҳеч бир қонун меъёрлари ҳамда табиатга оқилона муносабатга тўғри келмаслигини қоралади.

## ДЕПУТАТ ташқи реклама воситаларига эътибор қаратди

Бу ишга бевосита масъуллар-чи?



«Ўз рекламасини дарахтга миҳ қоқиб ўрнатган «Биология ўқув маркази» мутасаддилари биология фанидан тингловчиларга қандай сабоқ беради? Ахир, биология, аввало, табиатга меҳр уйғотадиган фан эмасми», деб ёзади у.

Пост сўнггида депутат рекламани дарахтга ўрнатмай, махсус восита ёрдамида ясаб атиги 50 минг сўмга тушишини эслатган.





